

ОАВ исломофобия мавзуларига қандай муносабатда бўлиши керак?



16:06 / 18.12.2018 2851

Бу каби саволларга жавоб топиш ва муслмонларни турли носоғлом қарашлардан ҳимоя қилиш каби масалалар бугун Буюк Британия муслмон жамоасининг энг долзарб мавзусига айланган. Буюк Британия муслмонлар кенгаши томонидан муслмонлар учун оммавий ахборот воситаларининг исломофобия мавзуларига қандай муносабатда бўлиши ва бу борада зарур кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида бир кунлик семинар ташкил этилмоқда. IQNA берган хабарда, ушбу семинар 2019 йил 5 январь куни Лондонда бўлиб ўтади.

Семинарда жамоатчилик орасида исломлаштириш деган нотўғри тушунчага чек қўйиш, жамоатчилик билан самарали алоқалар ўрнатиш, исломий жамоаларнинг дастурлари ҳақида ОАВ хабардор қилиш, бу

мавзуларни ТВ ва радиода муҳокама этиш масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, ОАВ доимий кузатиб бориш ва зарур ҳолатларда берилган шикоятларга ОАВ томонидан самарали жавоб бериш ҳам ушбу семинарда муҳокама этилади. Англия мусулмонлар кенгаши мамлакатдаги энг фаол исломий марказлардан ҳисобланади. Маълум бўлишича, бу ердаги 500 дан ортиқ исломий ташкилотлар таркибига масжидлар, хайрия ташкилотлари ва исломий мактаблар киради.

Islom.uz портали таҳририяти